

"Ўзкимёсаноат" АЖ да Янги Ўзбекистон университети вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди

// 10.10.2023

<https://uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/uzkimyosanoat-azh-da-yangi-uzbekiston-universiteti-vakillari-bilan-uchrashuv-bulib-utdi>



Янги Ўзбекистон университетининг фахрий ректори, немис кимёгари, профессор Др. Волфганг А. Херманн ҳамда университет проректори Бахтиёр Йўлдошев "Ўзкимёсаноат" АЖга ташриф буюришди.



Учрашувда кимё соҳасида илм-фан, таълим, замонавий билимларга эга бўлган етук кадрлар тайёрлаш, шунингдек, уларни муносиб иш ўринлари билан таъминлаш масалалари муҳокама қилинди.



Кадрлар тайёрлашда Европа университетлари билан ҳамкорликни ўрнатишга амалий ёрдам кўрсатиш ва илм-фанни ишлаб чиқариш жараёнлари билан интеграциялашувини ҳамкорликда амалга оширишга келишиб олинди.

